



ҲИСОБ СИЁСАТИ АУДИТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

**Зуфарова Зилола Рахим қизи -
ТМИ мустақил изланувчиси**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a26

Аннотация. Мақолада аудиторлик текширувларида ҳисоб сиёсати аудитини режалаштиришнинг услугий жиҳатлари таҳдиқ қилинган. Таҳдиқотлар натижасида ҳисоб сиёсати аудитини режалаштиришда эътибор қаратиладиган жиҳатлар очиб берилган.

Калим сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисобот, аудит, аудитнинг умумий режаси, аудит дастури, аудиторлик риски.

ПОРЯДОК ПЛАНИРОВАНИЯ АУДИТА УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ

**Зуфарова Зилола Рахим қизи -
Соискатель ТФИ**

Аннотация. В статье рассматриваются методологические аспекты планирования аудита учетной политики при проведении аудиторских проверок. В результате проведенных исследований выявлены аспекты, на которые следует обратить внимание при планировании аудита учетной политики.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, учетная политика, финансовый отчет, аудит, общий план аудита, программа аудита, аудиторский риск.

PROCEDURE FOR PLANNING AUDIT OF ACCOUNTING POLICY

**Zufarova Zilola Raxim qizi -
Researcher TFI**

Abstract. The article discusses the methodological aspects of planning an audit of accounting policies during audits. As a result of the conducted research, aspects were identified that should be paid attention to when planning an audit of accounting policies.

Keywords: accounting, accounting policy, financial statement, audit, general audit plan, audit program, audit risk.

Кириш. Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга, ўтказилаётган аудиторлик текширували сифатини оширишга кенг эътибор берилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда аудиторлик фаолиятида халқаро стандартларнинг кенг қўлланилиши аудитнинг муҳим обьектлари, хусусан, ҳисоб сиёсати аудитини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоқда. Бироқ ҳар қандай аудиторлик текшируви тизимли ўтказилиши учун, аввало, пухта режалаштирилиши керак. Шу боисдан ҳисоб сиёсати аудитини режалаштириш тартибини такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. Норматив-хукуқий хужжатлар ва иқтисодий адабиётларда ҳисоб сиёсати аудитининг моҳиятини очиб беришга оид кўплаб қарашлар мавжуд.

Д.Луговский ва М.Кутер таъкидлашича, ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилиши мажбурий бўлган хужжат бўлиб, унга амал қилиш молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигига сезиларли даражада таъсир қиласи [1].

Б.А. Хасанов, К.Т. Нурманов, Р.Б. Хасанова фикрича, “ҳисоб юритиш сиёсати хўжалик субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжат-

ларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг алтернатив усулларини ва шаклларидан корхона танлаб олган ва эълон қилган бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва шаклларининг йиғиндисидир” [2, 28].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар таъкидлашича, “ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобда уни юритиш қоидалари, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини, бошқарув ҳисобида эса асосан корхона фаолиятини бюджетлашириш, тахминлаш, таннарх ҳисоблаш, трансферт баҳони шакллантириш, сегментар ҳисобот тузиш масалаларини ўзида акс эттиради” [3, 21].

“Бошқа ахборотларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари” номли 720-сонли АХСда “аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида профессионал мушоҳада юритилиб, хўжалик юритувчи субъектдаги ҳисоб сиёсатининг тўғрилиги баҳоланиши шарт”[4] эканлиги белгилаб қўйилган.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар таъкидлашича, “аудитор аудиторлик текшируvida нафақат молиявий ҳисоботни, балки ҳисоб сиёсатини ҳам кўриб чиқиши шарт. Бу орқали активлар ва мажбуриятлар тўғри тан олинганилиги ва баҳоланганилигига аниқлик киритилади”[5].

М.М.Меза “кенгайтирилган аудит ҳисоботларининг янги авлоди компаниянинг молиявий ҳисоботи ва унинг аудитидаги муҳим масалаларни ошкор қилишни ўз ичига олади. Ушбу ошкор қилиш, энг аввало, компанияда амал қилувчи ҳисоб сиёсатининг барча элементларини ҳам қамраб олиши шарт”лигини уқтириб ўтган [6].

А.С.Лосева, В.В.Акиндиков, Ю.С.Горохова ва Е.А.Солопова таъкидлашича, “Ҳисоб сиёсати аудитини самарали ўтказиша агросаноат комплексининг бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳосил бўлган барча маълумотлар оқимларининг тегишли равишда қонуний доирада акс эттирилишига эътибор қаратилади” [7].

В.В.Макаренко ва Л.О. Пудеян “ҳисоб сиёсати аудитининг мақсади молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисида фикрни шакллантириш учун компанияда кўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби методикасининг амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқлигини белгилаш ҳисобланади” [8] деган холосага келишган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, тадқиқотларда асосан ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва аудиторлик текширувларида тутган ўрнига эътибор қаратилган. Бироқ ҳисоб сиёсати аудитини режалаштириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот методологияси. Ҳисоб сиёсати аудитини режалаштириш ва ташкил этиш қоидалари норматив-хуқуқий хужжатларда ўз аксни топган. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсати аудитини режалаштиришни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш аудитнинг илмий-методологик аппаратини такомиллашибдирища мұхим аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар. Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобот аудитининг режалаштиришдан тортиб аудиторлик холосаси шакллантиришгacha бўлган барча босқичларида текширувнинг муҳим обьекти саналади. Ҳисоб сиёсатининг турли жиҳатлари бўйича аудитни режалаштириш босқичида аудит текшируви учун вақт ва меҳнат харажатларини аниқлаш, аудит режаси ва дастурини тузиш учун рискини баҳолаш зарур. Мазкур жараёнда текширув вақтини ва унинг учун сарфланадиган меҳнат харажатларини асосиз равища ошириб юборишнинг олдини олган ҳолда аудиторлик рискини минимал мақбул даражагача пасайтириш лозим.

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик текширувларида аудиторлик рискини баҳолаш тўпланган аудиторлик далиллари ҳажмига янада асосли ва пухта ёндашиш, сегментлар бўйича танлов ҳажмини аниқлаш, таҳлилий амаллар ва батафсил текширувларни амалга ошириш учун зарур. Аудиторлик холосасини тайёрлашда эса аудиторлик рискини баҳолаш молиявий ҳисо-

ботларнинг ишончлилиги ҳақида якуний фикр ишлаб чиқиш учун зарур.

Фикримизча, умумий режа ва дастурни тайёрлашда аудиторлик ташкилоти томонидан бажариладиган амаллар натижалари батафсил хужжатлаширилиши керак, чунки улар аудитни режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади ва ҳисоб сиёсати аудитида қўлланиши шарт.

Ҳисоб сиёсатининг тавсия этилган жиҳатларини текшириш жараёнида аудиторлик ташкилоти умумий режанинг айрим қоидаларини қайта кўриб чиқиш учун турли ҳолатлар юзага чиқиши мумкин. Режага киритилган ўзгартиришлар, шунингдек, ўзгаришларнинг сабаблари аудитор томонидан батафсил хужжатлаширилиши керак.

Ҳисоб сиёсати аудитини режалаштириш жараёнида аудитор қўйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- реал меҳнат харажатлари;
- олдинги даврда вақт харажатларини ҳисоблаш (такрорий аудит ўтказиш ҳолатида) ва унинг жорий ҳисоб-китоб билан боғлиқлигини кўриб чиқиши;
- муҳимлик даражасини аниқлаш;
- аудит рискларини баҳолаш.

Фикримизча, умумий режада аудиторлик ташкилоти ҳисоб сиёсати аудитини ўтказиш усулини белгилаб олиши керак. Танлама аудит ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолатда аудитор аудит танлови кўламини шакллантириши шарт.

Аудит сифатини назорат қилиш ва бошқаришни режалаштириш бўйича қоидалар умумий режанинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳисоб сиёсати аудитини режалаштиришда қўйидагиларни кўзда тутиш тавсия этилади (1-расм):

Аудиторлик ташкилоти раҳбари умумий маънода ички аудитнинг ролини, шунингдек, аудит жараёнига мутахассисларни жалб қилиш заруратини белгилайди. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тайёрлаш жараёнида аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектда фаолият юритаётган ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолайди ва назорат рискини аниқлайди. Ички аудит хизмати нотўғри маълумотларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ўз вақтида огоҳлантиrsa, шунингдек, но тўғри маълумотларни аниқласа самарали ҳисобланади. Ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашда аудиторлик ташкилоти етарли аудиторлик далилларини тўплаши керак. Агар аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисбонинг ишончлилиги кафолати сифатида ички аудит хизмати ва бухгалтерия ҳисоби тизимида таянишни мумкин деб ҳисобласа, у бўлажак аудит кўламини мос равища ўзгартириши керак.

Ҳисоб сиёсати аудитини режалаштиришда эътибор қаратиладиган жиҳатлар

Аудиторлик гурухини шакллантириш, аудит ўтказишга жалб қилинадиган аудиторлар сони ва малакасини аниқлаш

Аудиторларни уларнинг профессионал хислатлари ва муайян аудит қисмлари бўйича лавозим даражаларига мувофиқ тақсимлаш

Аудит гурухи барча аъзоларига уларнинг мажбуриятлари ҳақида йўриқнома бериш

Аудиторларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан, шунингдек, умумий аудит режасининг қоидалари билан таништириш

Аудитор ёрдамчиларининг фаолияти устидан назорат қилиш

Аудиторлик гурухи раҳбари томонидан аудит амалларини бажариш билан боғлиқ услубий масалаларни тушунтириб бериш

Аудиторлик гурухининг раҳбари ва оддий аъзоси ўртасида у ёки бу далилни баҳолашда фикрлар қарама-қаршилиги юзага келган ҳолларда аудит гурухи аъзосининг алоҳида фикрини ҳужжатлар билан расмийлаштириш

1-расм. Ҳисоб сиёсати аудитини режалаштиришда эътибор қаратиладиган жиҳатлар

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудиторлик текширувининг ушбу босқи-чида ҳал этилиши керак бўлган энг муҳим масалалардан бири ўзаро боғлиқ томонларни аниқлаш ҳисобланади. Улар тўғрисидаги маълумотлар, агар муҳим бўлса, ошкор қилиниши керак. Томонлар амалга оширадиган битимларнинг табиати ва ҳажми, шунингдек, ўзаро қарзлар тавсифланиши керак. Бундай операциялар филиал ва бош корхона ўртасидаги олди-сотди операциялари, шуъба ва филиаллар ўртасида активлар алмашинуви, қарз ва молиявий ёрдам, шунингдек, мол етказиб берувчилар билан операциялар бўлиши мумкин.

Аудитор ишнинг биринчи кунидан бошлаб мижознинг ҳуқуқий ҳужжатлари: устави, рўйхатдан ўтганлик ҳақида ҳужжатлар, мулкдорлар йиғилишлари ва директорлар кенгashi мажлисларининг баённомалари билан танишиши керак. Уларда олинган фойда тақсимоти, дивидендлар эълон қилиниши, мукофотлар тўланиши, шартнома ва битимлар имзоланиши, бошқа корхоналарда иштирок этиш тўғрисидаги қарорлар, мулкни сотиб олиш, узоқ муддатли кредитлар бериш, гаров ва кафолатлар, имзо ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлаш борасида маълумотлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари мижознинг ҳолатини аниқлаштириш

учун шартномалар, битимлар ва келишувлар билан танишиш муҳимдир.

Ҳисоб сиёсати аудити дастури аудитнинг умумий режаси ривожи бўлиб, аудит режасини амалда бажариш учун зарур бўлган аудит амаллари мазмунининг батафсил рўйхатини ифодалайди. Дастур аудитор ёрдамчилари учун батафсил кўрсатма бўлиб хизмат қиласи ва айни пайтда аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гурухи раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси саналади.

Аудиторга аудит дастурини ҳужжатлаштириш, иш жараёнида иш ҳужжатларида уларга ҳаволалар киритиш учун барча аудит амалларни рақам ёки код билан белгилаш тавсия этилади.

Назорат воситалари тестлари ички аудит ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг фаолияти тўғрисида маълумот тўплаш учун мўлжалланган ҳаракатлар йиғиндисини ифодалайди. Ушбу тестларнинг мақсади ҳўжалик юритувчи субъектни назорат қилиш воситаларидағи муҳим камчиликларни аниқлаш ҳисобланади.

Моҳиятига кўра амаллар бухгалтерия ҳисобида счётлар бўйича айланмалар ва қолдиқнинг тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни ўз ичига олади. Моҳиятига кўра амаллар аниқ батафсил текширишлар учун аудитор

ҳаракатлари рўйхатидан иборат бўлади. Моҳиятига кўра амаллар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айни қандай бўлимларини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудит амаллари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари хужжатлаштирилиши керак.

Аудит дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш хужжатларида расман акс эттирилган хulosалар аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хulosасини тузиш учун ҳақиқий материал, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холисона фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аудитни режалаштириш жараёни тугаганидан сўнг, аудитнинг умумий режаси ва дастури хужжат билан расмийлаштирилиши ва белгиланган тартибда имзоланиши керак. Аудитни режалаштириш босқичида корхонанинг ҳисоб сиёсати бўйича бошқарув хужжатлари мавжудлиги ва таркиби аниқланади.

Аудиторлик текширувлари тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим ташкилотларда раҳбарнинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги бўйруғи тасдиқланмайди. Шу тариқа, ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, ҳисоб сиёсатини шакллантириш барча ташкилотлар учун, ҳисоб сиёсатини ошкор қилиш эса ўз молиявий ҳисоботларини эълон қилувчи барча ташкилотлар учун мажбурий эканлиги ҳақидаги қоида бузилади.

Раҳбар томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатининг мавжуд эмаслиги аудиторга текширувнинг дастлабки босқичида аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этишга етарлича эътибор бермаяпти, деган хulosага келишига асос бўлади. Бу, фикримизча, аудит кўлламининг чекланганлиги ва аудит ўтказишнинг имконсизлиги ҳақида фикр шакланишига асос беради.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит тизимларини ўрганиш аудитни режалаштириш пайтида ҳам, бевосита аудиторлик текширувни ўтказиш пайтида ҳам амалга оширилади. Уларга ҳисобни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарининг ҳисоб сиёсатига оид масалаларни киритиш тавсия этилади. Аудитни режалаштирища ташкилотда ҳисоб сиёсатини қўллаш изчиллик тамойилига риоя қилинганлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун нафақат кўриб чиқилаётган давр учун, балки олдинги ва

айрим ҳолларда кейинги даврлар учун ҳам ҳисоб сиёсати бўйича бўйруқларни кўриб чиқиш лозим. Аудитор 1-сонли БХМСга биноан ҳисоб сиёсатига ўзгаришишлар киритишнинг ҳақиқийлигини текширади. Ҳисоб сиёсатига ўзгаришишлар раҳбарнинг бўйруқлари билан амалга оширилиши керак. Бундан ташқари аудитор молиявий ҳисоботларда молиявий ҳолат ва молиявий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатлари ошкор қилинганлигини аниқлаши керак. Ушбу маълумотларни олиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботлари га илова қилинган тушунтириш хати ўрганилади. Аудитор ҳисоб сиёсатида норматив хужжатларда белгиланганидан бошқа ҳисоб усусларининг мавжудлигига ва уларни молиявий ҳисоботга изоҳларда очиб беришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Бундай усуслардан фойдаланиш, агар меъёрий хужжатларда тасдиқланган бухгалтерия қоидаларидан фарқли ўлароқ, улар ташкилотга ўзининг мулкий ҳолати ва молиявий натижаларини ишончли акс эттиришга имкон берадиган бўлса, асосли ҳисобланади. Шу билан бирга, умумий қабул қилинган бухгалтерия қоидаларини тегишли асос билан қўлламаслик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларга тушунтириш ёзувига киритилиши шарт. Аудиторлик текширувни ўтказиш жараёнида ҳисоб сиёсати аудитининг иккита асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш керак:

- ҳисоб сиёсати тўғрисидаги бўйруқда ва бошқа ички хужжатларда белгиланган ҳисоб усусларига мувофиқликни текшириш;

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда қўлланиладиган ҳисоб сиёсатининг молиявий кўрсаткичларга таъсири ва уларнинг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик фикрини шакллантириш.

Бухгалтерия ҳисобининг маълум бир қисмини текширишни бошлагандан, аудитор амалдаги меъёрий ва қонун хужжатларида кўриб чиқилаётган обьектларни ҳисобга олишнинг қайси муқобил усусларига руҳсат берилганлигини ва текширилаётган ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида танланган вариантларни акс эттириш тартиби қандай эканлигини аниқлаши керак.

Холоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг давлат тилидаги расмий нашри тайёрланмоқда, бундан ташқари стандартларни қўллаш бўйича бошқа услугубий хужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ бухгалтерия ҳисобида, аввало, ҳисоб сиёсатини пухта ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда амалда бўлиб турган “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-сонли БХМС талаблари халқаро стандартларга яқинлаштирилиши зарур.

Ҳисоб сиёсати бўйича меъёрий хужжатлар мазмунини таҳлил қилишда текширишнинг дастлабки босқичида олинган маълумотлардан фойдаланиш керак. Бизнинг фикримизча, бу босқичда ҳисоб сиёсатининг солиқ жиҳатини таҳлил қилиш билан параллел равишда ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатининг мазмуни очиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Зоро, ушбу таҳлил натижаларига кўра, молиявий ва солиқ ҳисботининг кўрсаткичларини шакллантириш

нуқтаи назаридан ҳисоб сиёсатининг асосий жиҳатлари мазмуни ва алоҳида солиқлар бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаш қонунийлиги тўғрисида фикр шакллантирилади.

Ҳисоб сиёсати аудитини режалаштириш жараёнида умумий режа ва аудит дастурига чукур эътибор қаратилиши зарур. Умумий режа ва дастурда текширув давомида расмийлаштириладиган ишчи хужжатлар таркибига аниқлик киритиш зарур. Ҳисоб сиёсати бўйича ишчи хужжатлар шундай расмийлаштирилиши керакки, у аудитор томонидан ишончли ва ҳаққоний фикрни шакллантиришга хизмат қилиши зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Denis Lugovsky, *Mikhail Kuter*. Accounting Policies, Accounting Estimates and Its Role in the Preparation of Fair Financial Statements in Digital Economy. Integrated Science in Digital Age (pp.165-176). DOI:[10.1007/978-3-030-22493-6_15](https://doi.org/10.1007/978-3-030-22493-6_15)
2. Хасанов Б.А., Нурманов К.Т., Хасанова Р.Б. Замонавий бошқарув ҳисоби. -Т.: “LESSON PRESS” МЧЖ нашириёти, 2021. - 413 б.
3. Abdunvaxidov F.T., Qo’ziyev I.N., Dadabayev Sh.X. Buxgalteriya hisobi. Darslik. -T.: IQTISOD-MOLIYA, 2021. -464 b.
4. “Бошқа ахборотларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари” номли 720-сонкб АХС.
5. Ivana Mamic Sacera, Sanja Sever Malis, Ivana Pavic. The Impact Of Accounting Estimates On Financial Position And Business Performance – Case Of Non-Current Intangible And Tangible Assets. //3rd GLOBAL CONFERENCE on BUSINESS, ECONOMICS, MANAGEMENT and TOURISM, 26-28 November 2015, Rome, Italy. <https://www.sciencedirect.com>.
6. *Miguel Minutti Meza*. The art of conversation: the expanded audit report. //Accounting and Business Research, 2021 Vol. 51, No. 5, 548–581, <https://doi.org/10.1080/00014788.2021.1932264>
7. Лосева А.С., Акандинов В.В., Горохова Ю.С., Соловьева Е.А. Аудит учётной политики организаций АПК. // Наука и образование. [Том 5 № 2 \(2022\)](#).
8. Макаренко В.В., Пудеян Л.О. Аудит учётной политики организаций. //European science № 7 (49), 2019. Стр. 36-38.



МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТЛАР АУДИТИДА МУҲИМЛИК ДАРАЖАСИНИ ҲИСБОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a27

Хасанова Насиба Толибий қизи -
ТДИУ докторанти

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисботлар аудитида муҳимлилик даражасини ҳисблаш тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида муҳимлиликни ҳисблаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: аудит, муҳимлик фоизи, ХАС, молиявий ҳисботлар, МХХС, ҳисбот моддаларини бузуб кўрсатиш, аудиторлик риски.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАСЧЁТА УРОВНЯ ЗНАЧИМОСТИ ПРИ АУДИТЕ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Хасанова Насиба Толибий қизи -
Докторант ТГЭУ

Аннотация. В статье исследуется расчёт уровня существенности при аудите финансовой отчетности. В результате исследования выявлены проблемы, связанные с расчётом значимости, и выработаны предложения по их устранению.

Ключевые слова: аудит, процент существенности, МАС, финансовая отчетность, МСФО, исказжение объектов отчетности, аудиторский риск.